

Қорабоев Муроджон Олдашевич,  
Oriental School- Шарқ тиллари мактаби  
тариҳ фани ўқитувчиси

## **ДАРВЕШ АҲМАД“САҲОЙИФ УЛ-АҲБОР” АСАРИНИНГ МУҲАММАД ЮСУФ БАЁНИЙТАРЖИМАСИ ҲУСУСИДА**

**Аннотация:** Ушбу мақола Муҳаммад Юсуф Баёний томонидан ўзбек тилига таржима қилинган “Саҳойиф ул-аҳбор” асарида Марказий Осиё минтақаси тарихига оид қисмларининг гилмий аҳамияти ва таҳлили габағишиланган. Мақолада асарнинг илмий-амалий аҳамиятини кўрсатиш асосий мақсад ҳисобланади.

Асарнинг қийматидан келиб чиқадиган бўлсақ, унинг юртимиз сарҳадларида хукм сурган сулолаларнинг давлатчилик тарихига оид қисмини муфассал ўрганилмаганлиги ва фақатгина Муҳаммад Юсуф Баёниятаржима қилган Хоразм тарихига оид қисмларини мавжудлиги, шунга доир бошқа фикр-мулоҳазаларни умумлаштирувчи тадқиқот ишини олиб борилмаганлигини кўрсатмоқда. Асарнинг ўрганилганлик даражасига қараганда, аксар таҳлилий ишлар Туркия, Покистон, Англияда амалга оширилган. Шу омилларни ҳисобга олиб, юртимизда ҳам ушбу асар юзасидан тадқиқот ишларини олиб борилишига рағбат кўрсатиш керак деб ҳисоблаймиз.

**Калит сўзлар:** Муҳаммад Юсуф Баёний, Мунажжимбоши Дарвеш Аҳмад, “Саҳойиф ул-аҳбор”, “Жомеъ уд-дувал”.

**Аннотация.** Статья посвящена научному значению и анализу отрывков из истории Среднеазиатского региона в произведении «Сахаиф уль-Ахбар», переведенном на узбекский язык Мухаммадом Юсуфом Баяни. Основная цель статьи - показать научную и практическую значимость работы.

Судя по ценности работы, она показывает, что часть истории династий, правивших границами нашей страны, не изучена, а изучены только части истории Хорезма в переводе Мухаммада Юсуфа Баяни. По уровню изученности работы большая часть аналитической работы была сделана в Турции, Пакистане, Англии. Принимая во внимание эти факторы, мы считаем, что необходимо поощрять исследования в нашей стране по этой работе.

**Ключевые слова:** Мухаммад Юсуф Баяни, Мунаджимбашы Дарвеш Аҳмад, “Саҳойиф ул-аҳбар”, “Джамеъ уд-дувал”.

**Resume:** The article is devoted to the scientific meaning and analysis of parts of the history of the Central Asian region in the work "Sahaif ul-Akhbar", which was translated into Uzbek by Muhammad Yusuf Bayani. The main purpose of the article is to show the scientific and practical significance of the work.

Judging by the value of the work, it shows that the part of the history of the dynasties that ruled on the borders of our country has not been studied and only parts of the history of Khorezm translated by Muhammad Yusuf Bayani have been studied. According to the level of study of the work, most of the analytical work was done in

Turkey, Pakistan, England. Taking into account these factors, we believe that research work on this work should be encouraged in our country as well.

**Keywords:** Mohammed Yusuf Bayani, MunajimbashiDervesh Ahmed, “Sahoyiful-akhbar”, “Jameud-duval”.

Сўнги йилларда тарихимизни мавҳум ва очилмаган жиҳатларини ўрганиш, мавжуд манбаалар ҳамда янги топилган қўллётмалар асосида тадқиқот олиб бориши масаласи давлатимизнинг илм-фан сиёсатида устувор масала даражасигача олиб чиқилмоқда. Биз тадқиқот учун танлаб олган “Саҳойиф ул-ахбор” асари ҳам ўз даражасига кўра биз назарда тутган манбаалардан ҳисобланади.

Бевосита асар муаллифи ҳаёти ва фаолияти борасида бафуржа тўхталиб ўтишни жоиз топдик. Асар муаллифи Мунажжимбоши Дарвеш Аҳмад(туркча: *Münəccimbaşı, Ahmed Dede*[1]) Усмонли Султон Маҳмуд IV даврида ўзининг аҳлоқи, одоби ва зукколиги учун “Мунажжимбоши” лавозимини эгаллаган. Айнан эгаллаган лавозими унга тахаллус бўлиб қолган. Унинг султон саройидаги фаолияти Султон Сулаймон II тахтга чиқгач, узилади. У султон томонидан Мисрга сургун қилинади. Кейинчалик Дарвеш АҳмадМакка ва Мадина шаҳарларига кўчиб ўтган ва айнан кўплаб асарларини Қоҳира, Мадина ва Макка шаҳарларида мусоғирчиликда битган. Ўрта асрларда Усмонли турк дунёси илм-фан ривожида ўзининг тарихий асарлари билан қолдиранг. Мунажжимбоши Дарвеш Аҳмад ўз даврига мос тарзда қомусий олими бўлиб, тарих илмидан ташқари тиб, мантиқ, мусиқа, астрономия, аҳлоқ ва дин илми соҳаларида ижод қилган ҳамда бир неча асарларни мерос қолдиранг. Лекин унинг тарихий асарлари билан шарқда танилганлигини бизга маълум. Айниқса унинг араб тилида ёзилган Саҳойиф ул-ахбор асари машҳур бўлиб, баъзи манбааларда “Жомеъ уд-дувал” деб ҳам аталади. “Мунажжимбоши тарихи” номи билан ҳам танилган. Бизгача етииб келган Дарвеш Аҳмаднинг йигирмадан ортиқ асарлари ичida айнан шу асар энг муҳими саналади. Замонавий давр тарихчилари Дарвеш Аҳмаднинг бу асарини ўн еттинчи асрда ёзилган энг муҳим тарих соҳасига оид асар сифатида қабул қилишади [2].

Дарвеш Аҳмадайнан “Саҳойиф ул-ахбор” асарини Макка шаҳрида ёзишга киришган деган хulosани беришимиз мумкин. Унга қадар Дарвеш Аҳмад султон саройида фаолият кўрсатган вақтида усмонийлар кутубхонасида жамланган қўллётмалар билан танишиш ва ўрганишга имкони бўлган бўлса керак. Чунки султон сарой кутубхонасида бутун бир мусулмон шарқ дунёсидан келтирилган илмий аҳамиятга эга асарлар жам қилинган эди. Бундан ташқари, тарихий нуқтаи-назаридан оладиган бўлсақ, Чингизхон бошлиқ мўғуллар босқини ва Темурийлар даврининг маданий-маърифий хаётини инқирози сабаб кўплаб олимлар Афғонистон ва Эрон орқали турк султони ҳузурига борган бўлиш эҳтимоли илгари сурилади. Ҳусусан, Мирзо Улуғбек ўлимидан сўнг унинг сафдошлари Али Қушчи бошчилигига бутун бир илмий қийматга эга китобларни олиб кетганлиги айтилади [3].

Юқоридаги маълумотларнинг давоми сифатида айтадиган бўлсак, Дарвеш Аҳмаднинг асари араб тилида ёзилган бўлиб, дунёning бир қанча тилларига таржима қилинган бўлиб шу жумладан, турк, форс, инглиз, немис тилларига ҳам. Асар мазмунига келсак, ундадунё яралиши ва Одам Атодан бошлаб Усмонли турклар сулоласининг вакили Маҳмуд IV ҳукмронлиги сўнги давригача бўлган воқеалар кетма-кетлигини баён этади. Шунингдек, асарда мусулмон сулолалар тарихи, усмонийлар билан рақобатлашган европа давлатлари ҳукмдорлари тарихи баён этилган. Асарнинг аҳамияти шундаки, унда нафақат усмоний ҳукмдорлар хаёти ва фаолияти, сиёсати, балки ундан олдинги давр мусулмон сулолаларнинг тарихи муҳтасар баён этилганлиги билан аҳамиятлидир. Муаллифи асарни кириш сўзида тарихни ўрганишдан мақсад ва вазифаларини келтириб ўтган. Муаллиф тарих илмига таъриф бериш асносида ўз фикрлари билан ўртоқлашиб ўтган.

Ўша давр мусулмон шарқ тарихчилари тамойилига кўра, ҳар қандай тарихий мазмунга эга асар Аллоҳнинг дунёни яратиши, Пайғамбарлар силсиласи, афсонавий ҳукмдорлар ҳақидаги қиссалар билан бошлаш анъанаси бўлган. Мисол учун, Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва хукамо” ва “Тарихи мулки Ажам” асарларини келтириб ўтиш мумкин.

“Саҳойиф ул-ахбор” асари Султон Аҳмад III даврида турк тилига араб тилидан шоир Надим томонидан таржима қилинган. Бу таржима 1867йилда уч жилдда нашр қилинган ва ҳозирда Истанбулда қўлёзма фондида сақланади.

“Саҳойиф ул-ахбор” асарини хорижда ҳозирги даврда ўрганилишига келсак, бир қанча туркиялик тадқиқотчилар асарнинг турли қисмларига мурожаат қилганликларини кўришимиз мумкин. Мисол учун [4], Аҳмад Афирикча (Ahmet Ağırakça), Нури Унлу (Nuri Ünlü), Ўмер Теллиоғлу (Ömer Tellioğlu), Мелис Кескин (Melis Keskin) ва Шейма Нур Темел (Şeyma Nur Temel) каби муаллифларни келтириш мумкин. Инглизчага илк кез 1954 йилда В. Минорский араб тилидан амалга оширганлигини кўришимиз мумкин. Покистонлик олим С.А.Ҳасан асарнинг Буюк Салжуқийлар қисмини инглизчага ўгириб, Кембриж Унивеситетида докторликни ҳимоя ҳам қилган.

Ушбу асар усмонли давлат илм-фан доирасида турк тилига таржима қилингандан сўнг унга бўлган эътибор сусайган бўлса, кейинчалик тарихчи Ҳаммер томонидан ўн тўққизинчи асрнинг бошларида ўз асарида эслатиб ўтади. Ҳаммер ўз асарида Саҳойиф ул-ахбор асарини асосий манбаа сифатида олдинга қўйган [5].

Бизга қадар ҳам Дарвеш Аҳмаднинг “Саҳойиф ул-ахбор” асари маълум бир қисмлари ўрганилганлиги юқорида айтиб ўтилди. Бизнинг асосий мақсадимиз эса асарнинг изланишлар олиб борилмаган бошқа қисмларини тадқиқ қилишни назарда тутади.

“Саҳойиф ул-ахбор” асари асл нусхалари таржима қилиш ва тадқиқотини олиб бориш, асарнинг объективлиги бошқа манбааларга қиёсий таққослаш усуллари асосида асар устида изланишлар олиб бориш масаласи тарихчи олимлар олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Белгиланган мақсад ва вазифаларни аниқ бир режа асосида амалга ошириш ва асарнинг форс, турк ва бошқа тиљдаги нусхаларини ҳам таққослаш ва тарихий фактлар, воқеа-ҳодисаларни кетма-кетлигини, кесиб олиб ташланган қисмларини назардан қочирмасликни ҳам талаб этади.

Асар аксар тадқиқотчилар орасида “Жами уд-Дувал” номи билан машҳур. Туркияда эса “Мунажжимбоши тарихи” номи билан асар изоҳланса, бошқа тадқиқотчилар асар муаллифи ўз асарини “Саҳойиф ул ахбор фи воқеил-асар” дея номландирганлигини айтишади [6]. Асарнинг туркиядаги Тўпқопи сарой музейидаги нусхаси “Жами уд-дувал” номи остида сақланмоқда. Шундан келиб чиқадики, асарнинг арабча нусхаси “Жами уд-дувал”, туркча нусхаси Саҳойиф ул-аҳбор номи билан ном чиқарган. Манбааларга кўра асар вазир Кара Мустафа Пошо буйруғига кўра ёзилган. Асарнинг расмий давр чегараси 1670 йилгача бўлган воқеа-ҳодисаларни ташкил этади.

Асарнинг Марказий Осиё минтақасида ҳукм сурган сулолалар борасидаги қисми биз учун аҳамиятли бўлиб, уни таржима қилиш ва тадқиқ қилиш муҳим эканлигини таъкидлаб ўтган эдик.

“Саҳойиф ул-аҳбор” асари бизнинг минтақада илк бор 1901 йилда Хива хонлиги тарихчиси Муҳаммад Юсуф Баёний(1859-1923 йй.) томониданэски ўзбек ёзувигатаржима қилинган. Ҳозирги кунда бу асар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ва Хивадаги Маъмун академияси таркибидағи қўллётмалар фондида сақланади.

Муҳаммад Юсуф Баёний худди Дарвеш Аҳмад каби қомусий олим бўлиб, илмнинг турли соҳаларида ижод қилган ва обрў қозонган. Бундан ташқари иккисининг тақдирни ҳам бир-бирига ўхшаш бўлиб, иккиси ҳам ҳукмдор саройида хизмат қилган ва кейинчалик саройдан кетишга мажбур бўлишган. Муҳаммад Юсуф Баёний Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II саройида девонбеги лавозимида хизмат қилганлиги айтилади. Айнан Хива хони уни саройга чақирирган ва унинг ижод қилиши учун етарлича шароит яратиб берган. Баёний Хивада хонлик қилган Элтузархон (1804—1806) авлодидан бўлиб, унинг отаси Бобожонбек Оллоберди Тўранинг ўғли бўлиб, Элтузархоннинг набираси эди. Баёний илм одами бўлганлиги учун хон саройида эътиборли шахс бўлган. Муҳаммад Юсуф Баёний Дарвеш Аҳмаддан фарқли равища асл ижод йўналиши шеърият бўлган. Унинг “Девони Баёний” номли девони қўллётма ва тошбосма нусхалари Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Р-1120, Р-6666, Р-1143 рақамлар билан сақланади ва муҳим илмий-амалий қимматга эга ҳисобланади [7].

Энди бевосита Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг тарихга оид “Шажараи Хоразмшохий” ва “Хоразм тарихи” асарлари Хиванинг Чор Россияси томонидан забт этилиши ҳакида тўғри ва ишончли маълумот беради. Хоразмда тарихнавислик чашмасининг бошида Абулғозихон Баҳодир, Мунис, Оғаҳийлардан сўнг Баёний туришлиги айни ҳакиқат. Баёнийнинг Хоразм тарихини баёнида ўз кўзи билан кўрган ва гувоҳ бўлган воқеа-ҳодисаларни таъриф қилган. Хоразмнинг яхлит тарихини гавдалантириш учун қадим тарихдан боҳабарлик учун Баёний усмонийлар давлатида тарихчилик соҳаси

билимдони Дарвеш Аҳмаднинг Саҳойиф ул-ахбор асарига мурожаат қиласди. Ўз навбатида Дарвеш Аҳмад усмонийлар давлатини келиб чиқишини узоқ Хоразм диёрида яшаган ўғуз қабилаларига бориб тақалишини билган ҳолда ўзининг Саҳойиф ул-ахбор асарида тарихни батафсил баён этган.

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Соний ўзининг илм рағбати йўлида Хоразмда таржима мактаби шаклланган эди [8]. Ўз навбатида Баёний ҳам бу илтифотдан мамнун ҳолда бир неча тарихий асарларни форс ва араб тилидан таржима қилиб хонга тортиқ этган. Баёний хотиранавис, шажара вий тарихнависликни Хоразм элида юксак даражага олиб чиқа олган серқирра ижодкор ҳисобланади. Дарвеш Аҳмад каби Муҳаммад Юсуф Баёний ҳам ўзи яшаб ўтган давр хукмдорларини очиқ, объектив танқид қилган. Шу сабаб ҳам Муҳаммад Юсуф Баёний Асфандиёрхон даврида назардан четда қолган. Лекин бу билан Муҳаммад Юсуф Баёний ижоддан тўхтамаган.

Бевосита Муҳаммад Юсуф Баёний Саҳойиф ул – ахбор асарини 1901 йилда таржима қилиб битирган. Бу айнан Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Соний даврига тўғри келади. Баёний ҳам Дарвеш Аҳмаднинг асарига бошқалар каби ўзи учун зарур деб ҳисоблаган қисмини таржима қилган. Айнан Хоразмшоҳлар даври тарихига оид қисми Баёний эътиборини жалб қилганлиги сир эмас. Чунки мӯғуллар босқини даврида кўплаб хоразмликлар айнан Кичик Осиё ҳудудига бориб ўрнашганлиги ва ўша давр манбааларини ўша ҳудудларга бориб қолганлиги ҳамда кейинчалик Дарвеш Аҳмад томонидан ўрганилганлиги аҳамиятли ҳисобланади. Ана шундай қимматли маълумотларга эга бўлган Муҳаммад Юсуф Баёний ўзининг кейинги тарихга оид асарларини ёзишига туртки берган десак адашмаймиз.

Тарихни ўрганишлик ва бунинг ортидан ибратлик хулоса олишликка мусулмон хулқи талабидир. Муҳаммад Юсуф Баёний ва Дарвеш Аҳмад каби илм фидойилари меҳнати сабаб хозирги кун қадри ва аҳамиятини англаш имконияти туғилган. Шубҳасиз, илм Пайғамбаримизнинг бизга қолдирган энг катта мероси бўлиб, уни асровчи ва авлодларга етказиб берувчи олимлар меросхўр сифатида тарих саҳнида қолишига, авлодларга ибрат бўлишилигига сабаб бўлади.

### Хулоса

Биламизки, ҳукмдорларни сулолавий тарихини ёзиш сарой тарихчиси ёки, бирон бир таникли тарихчига юклатилган. Дарвеш Аҳмад эса, бевосита сulton саройи кутубхонасидан фойдаланиш имконияти бўлганлиги, эгаллаган лавозими ва мавқейи, ўз кўзи билан гувоҳ бўлган тарихий хотиралари асосида асарни мазмунини такомилига етказа олган. У сulton саройида ўтказган даврида илтифоти ўлароқ, Саҳойиф ул-ахбор асарини битган бўлиши ҳам мумкин. Миқёси катта империянинг келиб чиқиши тарихи ва унинг юксалишини ўз кўзи билан кузатиш имкониятига эга бўлишилик баҳтига эришганлиги сабабидан асар тарихчилар орасида катта мувофақият қозонди.

Дарвеш Аҳмад ўз асарида баъзи нуқталарида хронологик тартибга бўйсунмаган. Баъзи жойлари аралаш ҳолатда ҳам келган. Буни муаллиф

ўкувчини зериктириб қўймаслик ёки, воқеа-ҳодисаларни ранг-баранг қилиб кўрсатиши билан изоҳлашимиз мумкин. Бундан ташқари, асарда ўша даврда барчага маълум бўлган халқлар, элатлар борасида баҳс этилган. Тарихда этган сулолаларга асос солган халқлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Ўз-ўзидан мантиқан асар усммонли турклар даври билан хотима топади. Мунажжимбоши Дарвеш Аҳмад ўрта аср тарихчиларидан фарқли равишда нақл қилиш усулидан фойдаланмай, танқидчилик руҳида ўзгача услубда ўз асарига ёндашган. Иложи борича соддароқ услубда асар тилини белгилашга харакат қилғанлиги кўриниб турибди. Асар муқадиммасида муаллиф Ибн Халдун, Рашидиддин Фазлуллоҳ, Ҳофизий Эбру, Муслиҳиддин Ларий ва Жаноби Мустафо каби тарихчиларнинг ижодидан руҳланганлигини ёзади. Асарни бунёд этилишида муаллиф етмиш икки манбаадан қирқ еттитаси арабча, ўн еттитаси форсча ва саккизта манбаа туркча эканлигини муаллиф эслатиб ўтган.

Дарвеш Аҳмаднинг келажак авлод учун қолдирган тарихий асари ўзининг қимматли аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди. Унинг асарини ўзбек тарих ихлосмандларига тақдим қилиш орқали муаллифга ҳурмат кўрсатиш тарихчи-тадқиқотчилар олдида турган шарафли иш деб ҳисоблаш мумкин.

Муҳаммад Юсуф Баёний эса, Дарвеш Аҳмаднинг Саҳойиф ул-ахбор асарини Марказий Осиёлик тарихчиларга ва илм аҳлига танитди. Ушбу асар орқали Муҳаммад Юсуф Баёний Хоразм тарихини ўтмиши ва интиҳосини боғлаб берган десак муболаға бўлмас. Қадим тарихга эга Хоразмни буюк тарихи Чор Ру西яси босқини билан интиҳо топиши жараёнларига ўзи гувоҳ бўлган ҳолда бу ҳолатни маҳзунлик билан қарши олган. Ўзаро курашлар ва мафкуравий зиддиятлар давлатни емирилишини афсус билан қайд этади.

Муҳаммад Юсуф Баёний Саҳойиф ул-ахбор асарини тўлиқ таржима қилмаганлиги сабабидан, ушбу асарни минтақамиз тарихига даҳлдор қисмларини тадқиқ қилиш кераклигини англатади. Зоро, тарихнинг бизга қоронғу томонларини объектив очиб беришлик келажак авлодимиз олдида турган қарзимиздир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

[1.] <https://islamansiklopedisi.org.tr/muneccimbasi-ahmed-dede>

[2.] A.Zeki Velidi Toğan, Tarihte Usul, sh. 219 (İstanbul, 1969), Nihal Atsız Münaccimbaşı, Şeyh Ahmed Efendi, hayatı ve eserleri, sh.4 (İstanbul, 1940), Tayyib Gökbilgin, İslam Ansiklopedisi Müneccimbaşı maddesi, Mükrimin Halil Yinanç ise, Türkiye tarihi, Selçuklular Devri (İstanbul, 1944) adlı eserinde, Müneccimbaşı en büyük tarihcimiz' diye bahseder.

[3.] Д. Г. Вороновский. Астрономы Средней Азии от Мухаммеда Хаваразми до Улугбека и его школы (IX-XVI вв.), в сб.: «Из истории эпохи Улугбека», Ташкент, 1965, стр. 127.

[4.] AhmetAğırakça (1983). Müneccimbaşı AhmedDede'ninCami'i'd-DüveladlıeserininOsmanlıDevleti'ninbaşlangıcındanFatih'invefatınakadar kikismininte nkidlimetinnesri; NuriÜnlü (1990). Camiu'd - Düvel (II).

Bayezidve Yavuz Sultan Selim Devri) müellif Müneccimbaşı Ahmet Dede: Tenkidlimetinneşri; Ömer Tellioğlu (1994). Müneccimbaşı Ahmed B. Lütfullah'ın Cami'ü'd-Düvel'inden Hamdaniler kışının metin neşri vetercumesi; Melis Keskin (2015). Müneccimbaşı Ahmed B. Lütfullah'ın Sahâifü'l-Ahbârin'dan Moğollar kışının günümüz zharflerine aktarılması ve değerlendirilmesi; Şeyma Nur Temel (2017). Müneccimbaşı Ahmed Dede'nin Camiu'd-Duvel adlı eserinde Osmanlı hanedanı'nın meşruiyeti.

<https://tezarsivi.com/ara?t=Camiu%27d++D%C3%BCvel+>;

<https://tez.yok.gov.tr/UlusaltTezMerkezi/tezSorguSonucYeni.jsp>

[5.] Hammer Purgstall, Histoire de l'Empire Ottoman, c XIII; sh, 75, 559 (Paris, 1839)

[6.] <https://islamansiklopedisi.org.tr/muneccimbasi-ahmed-dede>

[7.] Қ.Муниров “Мунис”. Оғажиев Баёнийнинг тарихи ясарлари. Тошкент. 1984

[8.] Мұхаммад Юсуф Баёний ҳаёт тивай жоди (1840-1923). <http://khorezmiy.uz/uz/pages/view/245>